*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч–адолатда

2022 йил
14 январь,
жума
№ 2-3 (881)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаасини бошқариш миллий марказига ташриф буюрди.***

Мудофаа вазирлигида барпо этилган ушбу марказ қўшинлар бошқарувининг энг замонавий шакларини мужассам этган, барча куч тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб боришга ихтисослашган. Мажмуа юқори технологик имкониятлари билан юртимиз ҳаво сарҳадларини, ўқув муассасалари ва полигонлардаги машғулотлар жараёнини реал вақтда кузатиш, бўлинмаларнинг ҳаракатини транк алоқа орқали назорат қилишни таъминлайди.

Шунингдек, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунда ҳарбий-маъмурий секторларнинг иштироки, қўшинларнинг кундалик ва жанговар фаолияти бўйича маълумотлар тўпланиб, тизимли мониторинг олиб борилади.

Олий Бош Қўмондон ушбу марказда яратилган шароитлар ва техник имкониятлар билан танишди. Мутасаддиларга унинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, мудофаа тизимига тезлик билан интеграция қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бу марказ мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлигини таъминлашда таянч тузилмага айланиши зарур. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда марказ учун дастурий-аппарат мажмуасини ишлаб чиқиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг Мудофаани бошқариш миллий марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларимизнинг қўмондонлик таркиби, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни арафасида бундай йиғилиш ўтказиш яхши анъанага айланди. Бу йил эса Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг шонли 30 йиллиги нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбари мажлис аввалида ушбу қутлуғ байрам билан барча ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини табриклади.

Йиғилишда Қуролли Кучлар тизими ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2021 йилги фаолияти якунлари таҳлил қилиниб, галдаги устувор вазифалар белгиланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Аввало, ўз ҳаётини она юртимизни ҳимоя қилишдек улуғ ва олижаноб ишга бағишлаган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шу қутлуғ айёмда жонажон Ватанимизга садоқат, азму шижоат каби эл-юртимизга хос юксак фазилатларнинг қадр-қимматини ва аҳамиятини, улар ҳаётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини янада теран англаймиз ва ўзининг жанговар фаолияти билан буни амалда исботлаб келаётган сиздек гоят олижаноб касб эгаларини шарафлаймиз.

Шу билан бирга, жанговар бурчини адо этишда мардларча ҳалок бўлган фидойи ҳарбий хизматчиларимизнинг нурли ва сўнмас хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирамиз.

Азиз дўстлар!

Истиқлол даврида Ўзбекистон армияси жуда мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ёш давлатимизнинг ўта оғир шаклланиш йилларида айнан Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Кейинги йилларда амалга оширган туб ислоҳотларимиз туфайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ва ихчам миллий армияни ташкил этишга эришмоқдамиз.

Ана шундай буюк тарихий жараёнда халқимизнинг ҳарбий соҳадаги бой меросига таяниб, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизнинг жанговар анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган, жисмоний ва маънавий етук, замонавий билим, қурол-яроғ ва техникаларни пухта эгаллаган, давлат ва халқ манфаатлари учун ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёр бўлган ҳарбийларимиз доимо фаол иштирок этиб келаётганлари ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

**Шу маънода, муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида мелтин қалқон бўлган мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарвар баҳодирлари, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.**

**Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва довюрак фарзандлари — Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади.**

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда **"Халқ ва армия — бир тану бир жондир"** деган эзгу тамойил асосида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда фуқароларимиз армиянинг ҳар томонлама ёрдами ва кўмагини ҳаётнинг барча соҳаларида амалда ҳис этмоқдалар. Айниқса, мураккаб синов даври бўлган пандемия пайтида ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда, биз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилишда бу яқдиллик янада яққол намоён бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

## ВАТАННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ



"Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" Нақадар гўзал, нақадар фахрли ибора. Озод бўлган Ватаннинг аскарлари илк бор мана шу муқаддас каломни тилга олганида бунинг нечоғлик аҳамиятли ва муҳим эканини, албатта, юрак-юракдан ҳис этишган. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилишга киришаётган йигитлар ўзининг жонажон Ватанига, Ўзбекистонга ана шу тарзда содиқлик ваъдасини беради.



Бугун профессионал тайёргарликка эга бўлган, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини қўриқлашга, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллигини катта тантаналар билан нишонлаяпмиз. Албатта, миллий армиямизнинг бугунги замонавий қиёфаси, юқори жанговар қобилияти ўз-ўзидан шаклланиб қолган эмас. Бунинг ортида кўплаб инсонларнинг фидойилиги ва ватанпарварлиги мужассам.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилган илк йиллари аввало ҳарбий кадрлар танқислиги юзага келди. Истиқлол ҳимоячиси ва таянчи бўлмиш миллий армия олдидаги бу жиддий муаммо мавжуд олий ҳарбий таълим муассасаларини босқичма-босқич кўп тармоқли офицер кадрларни тайёрлаш тизимига ўтказиш билан ҳал этилди. Ўтган тарихан қисқа даврда минтақада энг нуфузли саналган Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси ҳамда ҳарбий учувчи, алоқачи, ҳарбий тиббиёт кадрларни тайёрлайдиган мутлақо янги олий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилиб, ҳарбий соҳадаги барча йўналишларда юқори профессионал қобилият ва малакага эга офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса, Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини берди.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳарбий соҳани модернизация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатдаги ҳарбий қисмлар, дала-ўқув майдонлари ва ҳарбий билим юртларига ташрифлари давомида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Шундан кейин чиққан ҳолда қисқа давр ичида ҳарбий соҳада тарихий ислоҳотлар амалга оширилди.

(Давоми 6-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, Ватанимиз мустақиллиги, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан**

**Батиров Хасан Арзудинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондони

**Кахаров Рашид Джамалович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович** — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи

**"Мардлик" ордени билан**

**Азизов Улуғбек Уктамович** — Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Академияси бошлиғи

**Гафуров Шерзод Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Дадабоев Хомиджон Восижонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази бошлиғи

**Имамов Азам Хусаинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Кулдашев Абдулла Хамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари

**Курбанов Бунёд Мавлонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

**Отажонов Бахтиёр Йўлдошевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи

**Рахманкулов Элмурод Байкузиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Розумов Равшанбек Адамбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бригада командири

(Давоми 2-бетда) ▶

*Жамиятимиз мақсади*

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

*"давлат — жамият — инсон" тамойилидан "инсон — жамият — давлат" тамойилига ўтилмоқда*

***Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шаклланмоқда. Яъни "Инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри — энг муҳим қадрият" деган тамойил эътироф этилмоқда. Энг асосийси: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойили "инсон — жамият — давлат" тамойилига ўзгартирилмоқда.***

Президент Шавкат Мирзиёев тақдим этган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва энг муҳим вазифаларнинг атрофлича таҳлили шундан далолат беради.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида 2017 йил февралида Президентимизнинг Фармони билан тасдиқланиб, 5 йил давомида ҳаётга изчил татбиқ этилган Ҳаракатлар стратегияси доирасида эришилган ютуқлар, хусусан, асосий натижаларга оид далил ва рақамлар ҳам келтирилган.

Битта рақамга эътибор қаратайлик: Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш учун 300 дан ортиқ қонун ва кодекс, Президентимизнинг 4 мингдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинган. Шу тариқа Ҳаракатлар стратегияси якунига келиб, Янги Ўзбекистон пойдеворининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Янги ҳужжат — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси энди Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини тиклаш ва бинони қуришга қаратилган. Бу буюк бунёдкорлик жараёни 2026 йилгача бўлган даврни қамраб олади ва йилма-йил амалга ошириб борилади.

Жамоатчилик муҳокамалари шу йил 15 январда якунланадиган мазкур Тараққиёт стратегияси замирида қандай маъно-мохият мужассам, деган савол туғилиши табиий.



Авваламбор, "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси", деган номнинг мазмун-моҳиятига мухтасар тўхталамиз. Зеро, бу номнинг келиб чиқиши, фикримизча, бир қатор муҳим омилларга бориб тақалади.

**Биринчи омил:** ушбу ном Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси — Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми эканини англатади. Агар Ҳаракатлар стратегиясида 5 та устувор йўналиш белгилаб олинган бўлса, Тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу устувор йўналишлар давомийлиги сақлаб қолинган.

Шу билан бир қаторда, тараққиёт ўзгаришларининг янги тарихий босқичида давом эттирилиши кўзда тутилган ҳолда, Тараққиёт стратегиясига 2 та янги устувор йўналиш қўшиляпти. Булардан бири — маънавий тараққиётни таъминлаш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси — Ўзбекистоннинг дунёда юз бераётган глобал муаммоларга муносабати негизида белгиланган янги устувор йўналишдир.

Шундай қилиб, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қуйидаги еттита устувор йўналиш назарда тутилган:

**биринчи устувор йўналиш** — инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

**Рўзиев Баходир Хусенович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Салиев Муталибджон Обиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

**Сафаров Муроджон Камолович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Умаров Фердавс Ахтамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хамдамов Хусанбой Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Шадибеков Кобил Адилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

**Шадибеков Улугбек Исламбек ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг ўринбосари

**Яллақаев Зокир Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси катта инспектори

**"Дўстлик" ордени билан**

**Абдуллаев Шухратжон Абдирайимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Атамухамедов Акбар Хамидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли бошлиғининг ўринбосари

**Байбеков Равиль Абубакирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлим бошлиғи

**Назаров Азиз Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Нам Владислав Русланович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи

**Таджиева Алеся Сергеевна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Танкачев Владимир Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Хайтуллаева Алла Рахматуллаевна** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими катта инспектори

**Шакиров Мухтаржон Абдисалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси бошлиғининг ўринбосари — "Шоншараф" давлат музейи директори

**II даражали "Саломатлик" ордени билан**

**Болиев Зокиржон Абдахатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Жўраев Лазизжон Иномович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий санаторийси бошлиғи

**Имомалиев Муротали Йўлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат маркази шифокори

**Маматов Улугбек Актамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бошлиғи

**Таштемиров Халияр Юнусович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси бошлиғининг ўринбосари

**Эшкуватов Комил Рузибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бўлим бошлиғи

**"Жасорат" медали билан**

**Абдуллажонов Муроджон Солижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Абдуллоев Рустам Ражабович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Абдухалилов Асадбек Дилмурод ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ патрули

**Жиемуратов Ниетбай Турганбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Жолдасбаев Русланбек Медетбай ули** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Жонтемиров Фаррух Тўлқинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

**Жўрабоев Хусанбой Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қўштепа тумани қўриқлаш бўлими гуруҳ сафдор-ходими

**Ибрагимов Зиёдали Фармон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Исломов Фурқат Абдусаидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Қазақбаев Жамалатдин Воразимбетович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пост бошлиғи

**Лайлоқов Ихтиёр Боймуродович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**Маматмуратов Хусниддин Хўшбақович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Менглиев Элдор Ғулом ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Назаров Исмаилжон Анваржонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Нурмуродов Рустам Пирмаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Обидов Ботир Қодиржонович** — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Примкулов Мамаражаб Келдибек ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Расулов Адхам Мамарахимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Тиловов Орифжон Аллабердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Толипов Одилжон Бахранович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Тошбоев Мансур Турсунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Тошмирзаев Нурилло Абдулло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Турсунов Анвар Хамитович** — Тошкент вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости инспектори

**Ҳамдамов Алишер Ўктамович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Бухоро вилояти Қўриқлаш бошқармаси Қоровулбозор тумани қўриқлаш бўлими сафдор-ходими

**Ҳасанов Диёржон Зокир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Холдоров Луқмон Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Хусанов Хасан Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Шаисаев Ислом Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Шокиров Садриддин Саъдуллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Эсанов Акбар Жабборович** (марҳум) — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар бўлими взвод командири

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Абдуллаев Комилжон Каримович** — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Учкўприк тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Абдуллаев Шавкатжон Махмудиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бўлим бошлиғи

**Аллабергенова Нилуфар Анваровна** — Тошкент шаҳри Яккасарой тумани прокурори

**Акбаров Шавкат Уктамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

**Ахбутаев Зафар Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Бегматов Зарифжон Орифович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази инструктор-қутқарувчи ғаввоси

**Бобомуродов Нурмурод Элмуродович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

**Бозармирзаев Махамаджон Бекмирзаевич** — Наманган ҳарбий прокурорининг ўринбосари

**Бозоров Эргаш Хайриллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Ботиров Мовлонжон Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Ғуломжонов Зафарбек Ғуломжонович** — Андижон вилояти Бўстон тумани прокурори

**Джапаров Расулжон Камилжанович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Жумабаев Бахадир Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

**Зарипов Марат Завдятович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Зияев Улуғбек Муродуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Исматов Беҳзоджон Ахаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи директорининг биринчи ўринбосари

**Камолиддинов Шохрух Бурхониддин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Каюмов Эркинжон Ганиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси "Динамо" жисмоний тарбия-спорт жамияти ўқув-спорт бўлими бошлиғи

**Қодиров Умид Абдухамидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Косбаев Иляр Жолдасбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қидирув ва қутқарув гуруҳи инструктор-қутқарувчиси

**Қосимов Шухратбек Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим катта техниги

**Кучкаров Адхамжон Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Лакота Вячеслав Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Маллабаева Зилола Мирпулатовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ бош юрисконсульти

**Мамаюсупов Сарвар Дехканович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари

**Мирзалиева Мухаббат Махамаджоновна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейи психологи

**Мукимов Захид Абдурахимович** — Тошкент шаҳри Учтепа тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Муратов Саитакмал Саитакбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директорининг ўринбосари

**Мусаев Турсунали Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жиззах вилояти Қўриқлаш бошқармаси Ғаллаорол тумани қўриқлаш бўлими отряд командири

**Мусоев Олим Сайфиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий базаси бошлиғининг ўринбосари

**Мустафакулов Фарход Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

**Мухсинов Шариф Мухамедович** — Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

**Назириддинов Ғуломназир Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма катта инспектори

**Нураев Асадулла Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

**Нуратдинов Муратбай Абдуллаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

**Нурмурадов Умид Асатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

**Раджапов Хайдар Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Термиз" халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони гуруҳ командири

**Рахимов Абдурасул Абдирахимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Рахимов Мухаммадали Рустамбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Рўзиев Учкун Холбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Рустамов Аюбжон Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Сайданов Махаммаджон Марибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Сапарниязов Хамдам Сабирович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Суяров Кувaн Темиртошевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Тўйчиев Зайлиддин Унарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона минтақавий ўқув маркази бошлиғи

**Тўлашев Илхом Шарифович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Усманов Исмоилхон Махсимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Фарғона" халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони гуруҳ командири

**Усмонов Холиёр Тлавович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Хамзина Дамира Зайнуровна** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

**Хожаназаров Аманкелди Оринбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Холмурзаев Шухрат Сафарович** — Самарқанд вилояти Ургут тумани прокурори

**Худайберганова Дилором Зафаровна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи

**Хусанов Қобулжон Нигматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси бош мутахассиси

**Эрбўтаев Илёс Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи

**Эргашев Восиджон Ёкубович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бошлиғи

**Юлдошев Акмал Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошқарма бошлиғи

**"Шуҳрат" медали билан**

**Абдигалиев Казбек Абдижамил ули** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим бошлиғи

**Абдувахидов Азиз Рахматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Навоий вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш бўйича махсус отряди бош мутахассиси

**Абдуллаев Шухратжон Рахимович** — Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

**Абдуллаева Зиёдахон Банноповна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ техник-назоратчиси

**Айнабеков Канат Халбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Ахмедов Икром Изатилло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Бабажанов Зафар Полванназирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли бошлиғи

**Бахронов Санжарбек Мухторович** — Навоий ҳарбий прокуратураси терговчиси

**Дьякин Александр Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм штаби бошлиғининг ўринбосари

**Жураев Турсинали Зариббаевич** — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Чуст тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Кадиров Умар Халикович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командири

**Курбонов Уткир Каландарович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Қушназаров Хурсандбек Рашидович** — Хоразм вилояти Божхона бошқармаси муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Марханов Олим Ахматханович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ихтисослаштирилган муҳандислик-техник батальони қутқарувчи-ҳайдовчиси

**Мовлонов Абдурасул Рахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Намазов Зиёдулла Юлдашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Низомов Хурсандбек Толибжонович** — Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Нуриддинов Фахриддин Нуриддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм чилангар-таъмирловчиси

**Нурматов Турсунали Рахимджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Сарманов Бахтияр Данакулович** — Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурор-криминалисти

**Турсунов Собиржон Муродович** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қарши тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Умирзаков Дилшод Давронович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Умиров Жасур Хайруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази инспектори

**Хасанов Шерзодбек Хамиджон ўғли** — Фарғона вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости катта тезкор вакили

**Ходжамуратова Гулнора Турсунбаевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги "Ватанпарвар" бирлашган таҳририяти бўлим бошлиғи

**Хушвактов Хусан Абдурашидович** — Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси чегара божхона пости катта инспектори

**Шодиев Алижон Қудратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Урганч" халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони командири

**Юлдашев Жасурбек Махаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти цикл бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2022 йил 12 январь*

---

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧИ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Охирги беш йилда ҳарбий қурилишнинг барча йўналишларида амалга оширилган комплекс чоралар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ҳам, қўшинларнинг тайёргарлик даражаси ҳам ўзгарди. Ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскар ва офицерларнинг шароитлари яхшиланди. 2021 йилда халқаро армия ўйинларида ҳарбийларимиз фахрли иккинчи ўринни эгаллагани ҳам соҳадаги ривожланиш натижасидир.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, жанговар бўлинмалар имкониятлари кенгайтирилмоқда. Давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизими амалиётга жорий қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда аввало кадрлар тайёрлаш, илғор услубларни оммалаштириш масалаларига эътибор қаратди. Ҳарбий ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, Қуролли Кучлар Академиясини ҳарбий илм-фан даргоҳига айлантириш зарурлиги таъкидланди. Яқинда иш бошлаган Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институтини ҳарбий таълим ва илмий фаолият тизимига самарали интеграция қилиш топшириғи берилди.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжудларини модернизация қилиш ҳам ҳарбий қурилиш соҳасидаги энг устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Ушбу мақсадлар ва замонавий таҳдидлар хусусиятидан келиб чиқиб, 2022-2026 йилларда Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича концептуал дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Қуролли Кучлар Бош штаби фаолиятини сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган ҳозирги вазиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчиларнинг психологик тайёргарлиги ва жанговар руҳини мустаҳкамлаш долзарблиги таъкидланди.

Қўмондонлик таркиби замонавий операцияларни режалаштириш, қўшинларни оқилона бошқариш, мавжуд куч ва воситаларни самарали қўллаш бўйича малакасини ошириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Раҳбарлик ва қўмондонлик лавозимларига истиқболли кадрлар захирасини яратиш, уларни бу лавозимларга босқичма-босқич тайёрлаш ҳамда танлов асосида тайинлаш муҳимлиги қайд этилди.

Жанговар ҳаракатлар динамикаси ошиб бораётган ва янги усуллар пайдо бўлаётган ҳозирги шароитда муваффақият, кўп жиҳатдан, командир-сержант бошқарадиган кичик бўлинмалар ҳаракатига боғлиқ. Шу боис Қуролли Кучлар учун сержант-йўриқчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал этиш, жойларда ижтимоий, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, бозорлар тўкинлиги ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

— Халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлаш бугун ҳам, келажакда ҳам энг устувор вазифамиз бўлиб қолади. Чунки фақатгина тинчлик-осойишталик мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланишининг асосий кафолатидир. Янги — 2022 йил ҳамма соҳада, жумладан, Қуролли Кучлар тизимида ҳам ҳал қилувчи йил бўлиши шарт, — деди Президент.

Йиғилишда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари сўзга чиқди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини босқичма-босқич таъминлаш ҳамда Самарқанд давлат университетини илмий-технологик ва ижтимоий ривожлантириш, рақобатбардош илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш, флагман олий таълим муассасаси даражасига олиб чиқиш мақсадида:

1. Самарқанд давлат университетига атоқли давлат ва жамоат арбоби **Шароф Рашидов номи берилсин.**

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида (кейинги ўринларда — Университет) **Трансформация офисини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Трансформация офиси қуйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳамда 2026 йилга қадар** халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университет фаолиятини рақамлаштириш ҳамда таълим жараёнига **замонавий педагогик технологияларни** жорий этиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали **тарғибот тадбирларини** ўтказиш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

3. Қуйидагилар:

**2022-2025 йилларда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини комплекс ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетини **2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети **мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларига бириктириш жадвали** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Университет таркибида қуйидагилар ташкил этилсин:

агрономия, биотехнология ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларида кадрлар тайёрловчи **Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти** (кейинги ўринларда — Агробиотехнологиялар институти);

муҳандислик, автоматика, мехатроника, робототехника, рақамли электроника, электротехника, машинасозлик, материалшунослик ва янги материаллар технологияси соҳаларида кадрлар тайёрловчи **Муҳандислик физикаси институти** (кейинги ўринларда — Муҳандислик институти);

педагогика, ахборот технологиялари ва ҳудудда кадрларга эҳтиёж юқори бўлган бошқа соҳаларда кадрлар тайёрловчи Университетнинг **Ургут филиали** (кейинги ўринларда — Филиал).

5. Қуйидагилар Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиалнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорида рақобатбардош, амалий кўникмаларни эгаллаган олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик **кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;**

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан **қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш,** шунингдек, **таълим жараёнига** илғор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, **илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жорий этиш;**

**ўқув режаларини тегишли соҳаларнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш,** ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларининг замонавий моддий-техника базасини яратиш;

ўқув жараёнини **талабаларда мустақил таълим олиш,** тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, **тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;**

илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш ташкилотларининг **муаммоларини ечишга қаратилган илмий, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш;**

**таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш,** республика ҳамда етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

талабаларга таълим олиш ва илмий фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш ҳамда **чет эл фуқаролари учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш;**

**илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш,** жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиалда таълим фаолияти 2022/2023 ўқув йилидан бошланади ҳамда **ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида олиб борилади;**

Университетнинг агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган **талабалар ўқишини Агробиотехнологиялар институтида давом эттиради;**

Университетнинг физика ва математика факультетлари таркибидаги амалий бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таълим олаётган **талабалар ўқишини Муҳандислик институтида давом эттиради;**

Филиал Ургут туманидаги умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари **ўқитувчиларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради;**

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институтининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган Университетнинг шахсий ғазна ҳисобварақларида юритилади, Филиал эса Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал директори, директор ўринбосари меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорлари бўйича тегишли равишда олий таълим муассасаси филиали директори ва филиал директори ўринбосарига, бошқа ходимлар эса олий таълим муассасалари ходимларига тенглаштирилади;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва жиҳозлаш — Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Университет билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал тузилмаси ҳамда штат жадвали норматившарга мувофиқ тасдиқланишини таъминласин;

Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални танлов асосида амалий тажриба ва (ёки) илмий даражага эга бўлган мутахассислардан иборат юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиални юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш ҳамда онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун зарур телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

в) Фанлар академияси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

Агробиотехнологиялар институти талабаларининг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида дарс жараёнларига соҳа мутахассислари ва олимларни, битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун илмий ташкилотлар мутахассисларини жалб этиш, зарур ҳолларда **амалий дарсларни ишлаб чиқариш ва дала шароитларида олиб бориш чораларини кўрсин;**

Агробиотехнологиялар институти талабаларининг танишув ва малакавий амалиётларини замонавий технологиялар билан жиҳозланган **агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати ташкилотларида ташкил этсин;**

Агробиотехнологиялар институти талаба ва профессор-ўқитувчиларига илмий-тадқиқот институтлари ҳамда етакчи ташкилотларнинг **лабораторияларидан фойдаланишлари учун зарур шароит яратсин;**

г) "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда:

Муҳандислик институти талабаларининг **танишув ва малакавий амалиётларини саноат корхоналарида ташкил этиш** чораларини кўрсин;

Муҳандислик институтига илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, **кичик бизнес ва саноат корхоналари учун инновацион мини-технологиялар ишлаб чиқиш** йўналишларида кўмак бериб борсин.

8. Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йилги инвестиция дастурига киритиш учун Агробиотехнологиялар институти, Муҳандислик институти ва Филиал бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар тақдим этиб борсин.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Агробиотехнологиялар институтини Самарқанд тумани, Гулобод қўрғонидаги Университет ҳузуридаги Гулобод агротехнологиялар техникумининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш;

Муҳандислик институтини Самарқанд шаҳри, Хишрав қўрғонидаги Университет ҳузуридаги Ядро физикаси лабораторияси ҳудудининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида вақтинча жойлаштириш;

Филиалга Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Вагашти маҳалласида жойлашган Ургут иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ҳ.Тошкулов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2022 йил 13 январь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик соҳасини янада ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари турларини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, интенсив технологиялар асосида балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда балиқчилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманида ташкил этилган **балиқчилик кластерининг аҳоли хонадонлари билан кооперация асосида ишлаш тажрибасини** (кейинги ўринларда — кооперация) **ҳар бир вилоятда жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.**

Бунда кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштириш қуйидаги тартибда амалга оширилиши белгилансин:

балиқчилик хўжаликлари хонадон эгаларини балиқ етиштириш бўйича ўқитишни ташкил этади, уларга балиқ етиштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, балиқ чавоқлари, омухта ем, минерал ўғитларни етказиб беради ҳамда улар томонидан етиштирилган балиқни келишилган нархларда сотиб олади;

хонадон эгалари ўз хонадонларида балиқчилик хўжаликлари томонидан етказиб берилган маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда интенсив усулда етиштирилган балиқларни келишилган нархларда уларга сотади.

2. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимларининг ёрдамчилари хонадон эгалари билан ҳамкорликда кооперация асосида хонадонларда балиқ етиштириш бўйича ташаббускор балиқчилик хўжаликларининг рўйхатини шакллантирсин ҳамда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

3. Белгилансинки:

**2022 йил 1 февралдан бошлаб** жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ўз хонадонида балиқ етиштиришни йўлга қўйишга рухсат берилади;

**2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар** балиқчиликни интенсивлаштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва технологиялар (аэратор, бассейн, автокормушка, УЗВ) ҳамда қайта ишлаш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, бироқ **даромадининг 80 фоизидан ортиғини ушбу ускуналарни ишлаб чиқаришдан оладиган субъектлар учун фойда солиғи** (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), **юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга камайтирилади;**

балиқ етиштирувчи хонадон эгаларига **ер солиғи** ва **мол-мулк солиғи ставкаси 50 фоиз миқдорида белгиланади.**

4. Қуйидагилар:

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда балиқ етиштириш прогноз параметрлари **1-иловага** мувофиқ;

2022 йилда сунъий (экстенсив) сув ҳавзаларини интенсивлаштириш ва балиқ овлаш ҳажмлари бўйича прогноз параметрлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг Франция тараққиёт агентлигининг "Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш" лойиҳаси доирасида жалб қилинаётган кредит линияси ҳисобидан **20 миллион евро** миқдоридаги маблағларни интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. "Ўзбекчорванасл" агентлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва Марказий банкнинг **2022 йил 15 январдан бошлаб "Ҳар бир оила — тадбиркор"** давлат дастури доирасида тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун ажратиладиган кредитни базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.**

Марказий банк тижорат банклари орқали интенсив усулда **аҳоли хонадонларида** балиқ етиштириш лойиҳаларини молиялаштириш учун **"Ҳар бир оила — тадбиркор"** давлат дастури доирасида 2022 йилда **200 миллиард сўм** маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар** жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун **Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бароборидан ошмаган миқдорда** бир марталик субсидия ажратилади;

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига аъзо корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан балиқчилик соҳаси эксперт ва мутахассисларини жалб қилиш харажатлари ҳамда уларнинг **бир йиллик иш ҳақи** миқдорининг **50 фоизигача,** бироқ ойига **1 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган қисми **Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси**дан қоплаб берилади. Бунда мазкур харажатлар учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан **5 миллиард сўм** йўналтирилади.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича балиқчилик хўжаликларининг масъул ходимлари иштирокида **"Ишга марҳамат"** мономарказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

9. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманининг Тоғолди ҳудудидан Ўрмон хўжалиги қўмитаси балансида бўлган **5 гектар** ер майдонида "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси томонидан совуқ сув балиқларини етиштириш тармоғини ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тажриба станцияси лойиҳаси амалга оширилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда ушбу лойиҳани "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда **балиқ маҳсулотларини етиштириш, табиий сув ҳавза ресурсларини аниқлаш ва мониторингини юритиш бўйича мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган** лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатига **"балиқчилик"** ихтисослигини киритишни таъминласин.

12. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб балиқчилик соҳаси учун юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш ва тармоқ институтлари илмий салоҳиятини ошириш учун **Тошкент давлат аграр университети ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти** докторантура босқичларига "Балиқчилик" ихтисослиги бўйича **ҳар йили 2 тадан** ўрин ажратсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **икки ой муддатда** хизмат кўрсатувчи банклар билан келишган ҳолда балиқчилик лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин ҳамда манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхат параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

14. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш бўйича бир марталик субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда **икки ой муддатда** аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси:

а) **бир ой муддатда 2025 йил 1 январга қадар** кооперация асосида балиқ етиштиришни йўлга қўйган, бироқ **даромадининг 90 фоизидан ортиқ қисми балиқ етиштириш ҳисобидан шаклланадиган** хўжаликларни **солиқларнинг барча турларидан** (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ижтимоий солиқ мустасно) озод этишни **назарда тутувчи** қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) **бир ой муддатда "Айдар-Арнасой"** кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи **қарор лойиҳасини** ишлаб чиқсин:

"Айдар-Арнасой" кўллар тизимининг Арнасой сув омбори ҳудудида балиқ овлашга **бир йил муддатга** мораторий эълон қилиш;

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, **"Айдар-Арнасой"** кўллар тизимида шўр сувда балиқ захираларини кўпайтириш бўйича **лаборатория марказини** ташкил этиш;

"Айдар-Арнасой" кўллар тизими дирекцияси" ДУКни қайта ташкил этган ҳолда унинг устав капиталидаги давлат улушини, камида **30 миллион** АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, **1 000 та** иш ўрнини яратиш ва **2025 йилга** бориб йилига **20 минг** тонна балиқ овлаш учун балиқ захираларини яратиш шарти билан **ишончли бошқарувга бериш.**

17. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Норқобилов, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси раиси О.Мусаев — балиқ ҳосилдорлигини ошириш ва аҳоли хонадонларида балиқ етиштиришни кенгайтириш бўйича ишларни **"корхонабай"** ва **"хонадонбай"** ташкил этиб, **2022 йилда:**

республикада балиқ етиштириш ҳажмини **700 минг** тоннага етказиш;

қўшимча камида 10 мингта аҳоли хонадонида интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда янги 15 та балиқчилик кластерини ташкил этиш;

ҳосилдорлиги **25 центнер**дан паст бўлган **31 минг** гектар сунъий сув ҳавзаларида **78 минг**та аэратор мосламасини ўрнатиш;

мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ўз муддатида бажарилишига шахсан масъул ҳисобланади.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2022 йил 13 январь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ҳозирги вақтда бутун жамиятимизда, жумладан, Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларда **"Инсон қадри учун"** деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилаётгани сизларга яхши маълум. Шу асосда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган барча ҳарбийлар, муҳтарам фахрийларимизнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кундалик ҳаётидаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, уларнинг оиласи ва фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишларимиз йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бундай жадал ўзгаришлар юртимизда ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, армия ва халқ бирлиги янгича мазмунга эга бўлиб, ёшларимиз қалбида армиямиз билан фахрланиш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олижаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даври, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шундай ғоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучларимиз қўмондонлик таркиби жойлардаги ҳокимият идоралари ва халқимиз билан биргаликда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишлари керак.

Ҳарбий хизматчилар, айниқса, командирлар таркибининг профессионал тайёргарлигини ошириш миллий армияни янада ривожлантиришнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу борада Қуролли Кучлар Бош штаби ҳамда ҳарбий округлар бошқарув аппаратлари офицерларини, бригада командирлари ва уларнинг ўринбосарларини ўқитиш бўйича Қуролли Кучлар академиясида жорий этилган янги тизимнинг юксак самарадорлигини таъминлаш — долзарб вазифадир.

Шу муносабат билан ҳарбий таълим ва илм-фан тизимида бошланган ислоҳотларни изчил амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда назария ва амалиётни имкон қадар яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш бўйича комплекс дастурларни тайёрлашда бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган ҳарбий можаролар хусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада энг зарур қурол-аслаҳа ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда қўллаш ва такомиллаштириб бориш эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Жаҳон ахборот маконида кескин кураш кетаётган ҳозирги вазиятда муҳим объектларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам давр талабидир.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Ушбу қутлуғ айёмда фидокорона хизматларингизни алоҳида таъкидлаб, сизларнинг фаол саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон армияси изчил ривожланиб бораётганини, унинг жанговар қобилияти ортиб, мудофаа қудратимиз мустаҳкамланаётгани, халқимизнинг осойишта ҳаёти таъминланаётганини яна бир бор юксак ғурур билан эътироф этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай самарали хизматларингиз учун сизларга, мўътабар тупроғимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш йўлида олижаноб ва масъулиятли бурчини муносиб адо этиб келаётган барча жасур ўғлонларимизга, уларнинг ота-оналари ва оила аъзоларига чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизни Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг шонли 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Миллий армиямиз сафларидаги шарафли хизматингизда янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Куч-ғайратингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимизга садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон чарчаманг, мард ва жасур Ватан посбонлари!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

*Жамиятимиз мақсади*

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ:

## *"давлат — жамият — инсон" тамойилидан "инсон — жамият — давлат" тамойилига ўтилмоқда*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

**иккинчи устувор йўналиш** — мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

**учинчи устувор йўналиш** — миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;

**тўртинчи устувор йўналиш** — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

**бешинчи устувор йўналиш** — маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;

**олтинчи устувор йўналиш** — умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;

**еттинчи устувор йўналиш** — мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

**Иккинчи омил:** Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида **"Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари"** тамойили илгари сурилаётгани бежиз эмас. Чунки аввало, Ҳаракатлар стратегиясидаги ҳар бир йўналишни тараққиётнинг янги босқичида мантиқий ва изчил асосда ривожлантириш ҳамда янги устувор йўналишларда муҳим натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда.

Тараққиёт стратегиясида асосий эътибор, бир томондан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир қонунлар, кодекслар, концепция ва дастурлар қабул қилинишига қаратилган.

**Иккинчи томондан,** унда қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий ислоҳотни ҳаётга изчил татбиқ этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёсатни



амалга ошириш, маънавиятни ривожлантириш, шунингдек, глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати, хавфсизлик ва ташқи сиёсат борасидаги муҳим вазифалар қамраб олинган.

Энг асосийси, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги 7 устувор йўналишнинг бош ғояси — инсон қадрини таъминлашдир. Чунки Президентимизнинг сайловолди дастуридаги асосий ғоя ҳам **"Инсон қадри учун"** тамойили эди.

**Учинчи омил:** инсон қадрини жойига қўйишни қонуний ва ташкилий-ҳуқуқий йўллар билан ҳаётимизнинг барча соҳаларида миллий, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик даражаларида қандай қилиб амалга ошириш керак?

Тараққиёт стратегиясида бу долзарб саволга жуда кўплаб аниқ мақсадларга қаратилган амалий жавоблар бор.

**Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши бўйича ҳозирги кунга қадар 26 та концепция ва бир қатор дастурлар қабул қилинган бўлса, келгусида Тараққиёт стратегияси доирасида 13 та кодекс, 12 та қонун, яъни ҳар бир устувор йўналишда зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниши кўзда тутилган.**

Жумладан, Тадбиркорлик кодексининг ишлаб чиқилиши — юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қонуний асосига айланади.

Бўлажак **Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс**да фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий мезонлари ўз аксини топади.

**Ахборот кодекси** — шу вақтга қадар амал қилаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолияти, ахборот ва сўз эркинлигига бағишланган ўндан ортиқ қонун кодификация қилинган ягона ва яхлит қонун ҳужжати сифатида қабул қилинишининг натижаси бўлади.

**Тўртинчи омил**: Янги Ўзбекистон тарраққиёт стратегиясининг нафақат номланиши, айни чоғда унда белгиланган устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар ҳам миллий ёки минтақавий миқёсдагина эмас, балки глобал даражада улкан аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Қолаверса, 35 йилдан буён Тараққиёт ҳуқуқи тўғрисидаги декларация амал қилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти тақдим этаётган Тараққиёт стратегияси халқаро ҳамжамиятнинг ривожланиш тенденцияларига, бутун дунёнинг тараққиёт трендларига тўлиқ мос келади.

Жамоатчилик муҳокамалари якунлари бўйича келиб тушган таклиф ва тавсиялар асосида маромига етказилганидан сўнг



давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиши кутилаётган **"Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида"**ги фармон асосида:

**биринчидан,** Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси;

**иккинчидан,** Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси";

**учинчидан,** Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича миллий комиссия таркиби тасдиқланади.

Энг асосийси, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" лойиҳасида "Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт" ғоясини татбиқ этишни назарда тутувчи **"Халқчил давлат" миллий дастурини ишлаб чиқиш** вазифаси зиммамизга юклангани бежиз эмас.

Албатта, ушбу Дастур лойиҳаси, илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда, белгиланган муддатда ишлаб чиқилади ва тақдим этилади.

"Йўл харитаси" лойиҳасида яна бир муҳим вазифа — **Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш** масаласи учун масъул этиб белгиланганмиз. Халқ қабулхоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги мақомини мустаҳкамлашга қаратилган Конституциявий қонунни қабул қилиш бўйича ишларни аллақачон бошлаб юбордик.

Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, юртдошларимизнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги демократик тизим — Халқ қабулхоналари ўтган беш йилда фаолият юритиб келмоқда ва ўзини оқлади.

Бундан ташқари барча давлат органлари фаолиятида **"халқ дардига кулоқ солиш"**, муаммоларни жойида ҳал этиш ва халқни рози қилиш бўйича самарали ишлар қилинмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 12-мақсади **"Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш"** деб номлангани бежиз эмас.

Зеро, бу ўринда оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш, одамларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислоҳотларнинг ижроси аҳволини ўрганишда ижод аҳли меҳнатидан самарали фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, юртимизда таъсирчан жамотчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ўрни ва аҳамияти қонунчилик негизида тубдан кучайтирилганди. Тараққиёт стратегиясида ана шу ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш кўзда тутилгани янги давр талабидир.

Шу нуқтаи назардан, Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 83-мақсади **"Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш"** деб аталгани ҳамда унда бир қатор муҳим вазифалар кўзда тутилгани ҳам катта аҳамиятга эга.

Бунда шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни интернет тармоғида ошкор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ҳам кўзда тутилган. Бунда Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг дахлсизлик ҳуқуқлари билан боғлиқ моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланади.

Ўз навбатида, "Йўл харитаси" 46-бандида қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ушбу вазифанинг асосий ижрочиларидан биридир.

Бунда, биринчидан, қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш тақозо этилади. Иккинчидан, қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив миллий механизмнинг қонуний асосларини ривожлантириш керак бўлади. Ҳамкор ташкилотлар билан ҳар икки масала бўйича, умуман, Тараққиёт стратегияси ижроси доирасида ўзаро ҳамжиҳатликда фаол иш олиб борамиз.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 19-мақсади — адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондиришдан иборат. Бунда:

адвокатура институтини тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш, тизимга ёш малакали кадрларни жалб қилиш;

адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари ва институционал асосларини шакллантириш;

адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ортиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш;

бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан, масофадан туриб ва "ягона дарча" тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳаси негизида бир қанча янги дастурлар, янги концепциялар, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши назарда тутилмоқда. Бу билан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ривожланишининг кейинги босқичида амалга ошириладиган ислоҳотлар кенг қамраб олинмоқда.

Шундай экан, Тараққиёт стратегиясининг тасдиқланиши ва муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан мақсад ва вазифаларимизга эришиш имконини беради.

**Акмал САИДОВ,**
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

*Қилмиш-қидирмиш*

# Қалтис

***Одатда, одамларни бир-бирига эзгу ният, беғараз орзу-умид, ҳалоллик ва покликни кўзловчи олижаноб мақсадлар боғлаб туради. Бу каби дўстлик ва биродарликка ҳамма ҳавас билан қарайди. Бирон-бир илинж, манфаатни кўзламаган ҳолда куртак ёзган дўстлик дарахтининг умри боқий бўлади. Аксинча, таъма ва шахсий манфаатга асосланган "дўстлик" узоққа чўзилмайди. Ғараз ниятни кўзлаган кимсалар бир-бири билан пинҳона тарзда тил топишади.***

Ҳазорасплик Зафар Жумабоев, боғотлик Ғафур Хўжақов, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида яшовчи Маҳмуд Аҳмедов ва Абдуҳолиқ Аметовдан иборат жиноий гуруҳни айнан шундай ғаразли ният бирлаштирди. Афсуски, улар соф ва одамийликка йўғрилган эзгу ҳис-туйғуларга эмас, аксинча, ғаразли ўй-фикрлар, меҳнатсиз бойлик топиш, тор шахсий манфаатни кўзловчи саробга таянишди. Бу жиноий гуруҳга бош қўшганлар "дўппи тор" келганида ҳатто бир-бирига тузоқ қўйишдан ҳам тойишмади.

Ҳазорасплик Зафар Жумабоев гиёҳванд ва гиёҳфурушликка муккасидан кетгани боис кўпчиликка отнинг қашқасидек яхши таниш эди. Оилали ва уч нафар фарзандли бу кимса иккинчи гуруҳ ногирони, нафақа таъминотига эга бўлса-да, жиноий қилмишдан ўзини тия олмади. 2017 йил қонуний жавобгарликка тортилиб, муқаррар жазога маҳкум этилгач, жабрланувчидан кечирим сўраб, қилмишига пушаймонлик билдирди. Шу боис Жиноят кодексининг ярашувга оид $66^1$-моддасига биноан жазодан озод қилинди. Аммо у бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига яна жиноятга қўл урди. 2021 йил май ойида Жиноят кодексининг гиёҳвандлик моддалари олди-соттисига доир 273-моддаси 5-қисми ҳамда ушбу тоифадаги қилмишни охиригача етказа олмаганликни ифодаловчи 25, 273-моддаси 5-қисми билан жавобгарликка тортилди. Лекин бу гал у муқаррар жазодан қочиб қутула олмади. Ўтган йилнинг 24 май куни гумонланувчига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси тайинланди.

Айнан шундай тарздаги эҳтиёт чораси қорақалпоғистонлик Маҳмуд Ахмедовга нисбатан ҳам қўлланилди. 1965 йилда Тўрткўл туманида туғилган бу кимса ҳаётда бирон-бир касбнинг этагини тутмади, умрини бекорчиликда ўтказди. Энг ёмони, оиланинг ҳам қадрига етмади, уч нафар фарзандининг тақдирини ўйламай турмуш ўртоғи билан ажрашди. 1949 йилда туғилган Абдуҳолик Аметов ҳам ёши бир жойга борганига қарамай содир этган жиноий қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди. Унга набиралари қуршовида кексалик гаштини суриш насиб этмади. Аслида унинг ўтган умрига ҳавас қилиб бўлмайди. У гарчи нуфузли олий таълим даргоҳида таълим олган бўлса-да, ҳаётдан сабоқ ололмади. Оқибатда ҳали навқиронлик пайтидаёқ тўғри йўлдан адашиб, гиёҳфурушлик кўчасига кирди. 2007 йилда 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Афсуски, у тавбасига таянмади ва ҳамтовоқлари қатори жорий йилнинг май ойида такроран ҳибсга олинди. Оиласи ва 4 нафар вояга етган фарзандлари олдида яна иснодга қолди.

Бу жараёнда Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган айб 1971 йилда туғилган боғотлик Ғафур Хўжақовни ҳам ўз домига тортди. У ўзининг ярим асрлик умрини ҳалол меҳнатдан анча узоқда ўтказди. Ҳаётнинг ёруғ манзиллари сари интилмаган киши қоронғу, қалтис ва боши берк кўчаларга осонгина киради. Буни Ғ.Хўжақовнинг ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг кўнгли ҳалоллик ва покликдан кўра ҳаром-ҳаришни кўпроқ тусади, сўқир кўзи алдамчи саробни кўрди ва номлари юқорида қайд этилган гумроҳлар қатори жирканч қилмишга қўл урди. Суд ҳукмига кўра, у ҳаётининг муайян қисмини ҳибсда ўтказадиган бўлди.

Содир этилган жиноят эса, ҳамтовоқлар тарафидан ўйлаб топилган ғаразли ниятнинг машъум ва мантиқий ҳосиласи бўлди. Гап шундаки, 2021 йилда З.Жумабоев асабга кучли таъсир қилувчи "Трамадол" ва "Трамадол Ланнахер" психотроп дори воситасини Боғот туманида яшовчи жиноий гуруҳ гумаштаси Ғ.Хўжақовга сотиш билан шуғулланган.

Ўтган йилнинг 18 март куни З.Жумабоев ана шундай дори воситаларини Ҳазорасп туманидаги "Тошсоқа" назорат маскани орқали Хоразм вилоятига олиб киришга уринганда қўлга олинди. Назорат маскани ходимларининг синчковлиги туфайли оғир оқибатли жиноий қилмишнинг олди олинди. Бу жараёнда З.Жумабоевдан 25 дона "Трамадол Ланнахер" психотроп дори воситаси мусодара қилинди.

Ушбу тадбир асносида унинг давомли қилмишлари ҳам фош бўлди. Шунда жиноят занжирининг анча узун эканини маълум бўлди. Чунки далилий ашё сифатида олиб қўйилган гиёҳвандлик воситаси оёқ остидан чиққан топилма эмас ва гумонланувчининг қўлига ҳам ўз-ўзидан келиб тушмаган. Бу заҳри қотил қаердан ва кимлар томонидан олиб келингани, қайси манзилда кимлар томонидан сотилгани ҳам жумбоқ. Изқуварлар шу каби саволларга аниқ-равшан жавоб топиш ва юз берган жиноятнинг илдизини батамом қирқиш мақсадида суриштурувни давом эттиришди.

*Моҳият*

# Солиқ ислоҳотларининг янги босқичи

## у иқтисодиётни янада ривожлантиришга ҳисса қўшади

***Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг қўллаб-қувватланиши ҳамда тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар натижасида халқимизнинг турмуш фаровонлиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу жараёнда солиқ тизимидаги ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга.***

Маълумки, ҳар қандай тадбиркор ёки инвестор биринчи навбатда, солиқ имтиёзлари, унинг самарадорлиги ҳамда адолатлигига эътибор қаратади. Агар солиқ тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаса, иқтисодиёт таянчи бўлган тадбиркорлар яширин фаолият юритиш, солиқлардан қочишга уринади.

Давлатимиз томонидан макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва даромадлари кескин пасайишининг олдини олишга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси тўлиқ таъминланишига эришилмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбари 2021 йил 29 декабрда имзоланган **"Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун билан амалдаги Солиқ кодексига солиқ тўловчиларнинг солиқ юкини қисқартириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш борасидаги қатор янги нормалар киритилди. Амалдаги Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам бу борадаги самарали ҳаракатларнинг давоми бўлиб, унга Президент фармон ва қарорлари асос қилиб олинган.

Солиқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлган бундай ўзгаришлар иқтисодиёт соҳасининг айрим секторларидаги солиққа тортиш борасида имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида мавжуд бўлган номутаносибликларни бартараф этиш, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга хизмат қилади.

Хусусан, қўшилган қиймат солиғининг яхлит тизимини таъминлаш, маҳсулот ҳамда хизматлар таннархи, фойда суммасини ҳисоблашда хатоларнинг олдини олиш мақсадида бюджет ташкилотларидан ташқари жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳам қўшилган қиймат солиғи объекти сифатида белгиланди.

Ушбу киритилган норма ташкилотлар томонидан моддий-техника базасини кенгайтириш ва жиҳозлаш учун спорт анжомларини сотиб олишда қулайликлар яратади. Чунки сотиб олиш жараёнида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси таннархга эмас, балки кейинчалик кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган ва бюджетга тўланиши керак бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини камайтиришда ҳисобга олинади.



Яна бир қулайлик шундан иборатки, тадбиркорлик субъектларини асосий воситалар ва асбоб ускуналарни доимий янгилашга рағбатлантириш мақсадида асосий воситаларни қайта тиклашга ҳисобланадиган амортизация ажратмалари нормаларининг миқдори оширилди. Маҳсулот ва хизматлар таннархига доир ушбу харажатлар пировардида корхонанинг айланма маблағлари кўпайишига олиб келади.

Инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш, янги солиқ ислоҳотларини тизимли жорий этиш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиниши ҳар бир мамлакат учун ўта муҳим омил саналади. Шу мақсадда Солиқ кодексига инновация, ички ва ташқи инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мақсадида қўшимча равишда "Инвестициявий чегирма" нормалари киритилди. Шунингдек, "Илмий тадқиқотларга ва (ёки) тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлар"ни ҳисобга олиш халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Эндиликда доимий муассаса орқали фаолиятини амалга оширувчи норезидентнинг фойда солиғи тўлангандан кейин тасарруфида қоладиган соф фойдаси дивидендларга тенглаштириш ва белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиққа тортиш тартиби киритилди. Бу ўринда фаолият шаклидан қатъи назар, солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун соф фойдани солиққа тортишнинг ягона шарт-шароитларини яратиш мақсади кўзланган.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, 2021 йил 13 июлдаги "Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб, ёш оила томонидан олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни эр-хотин ёки улардан бирининг ёши белгиланган ёшдан ошгунига қадар ҳар бир солиқ даври давомида тегишли миқдорда қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиш назарда тутилган. Бунда хонадоннинг қиймати ва бюджетдан ажратилган субсидиялар бўйича шартлар инобатга олинмаслиги кўзда тутилган.

2021 йил 9 августдаги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарорига мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун белгиланган имтиёз қўшимча равишда уларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жойлар бўйича улар 23 ёшга тўлгунига қадар амал қилиши белгиланиб, мол-мулк солиғидан озод этилади.

Маълумки, амалдаги Солиқ кодексида профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларини (фоизлари билан) қоплашга йўналтириладиган солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларини солиқдан озод қилиш имтиёзи белгиланган.

Бунга қўшимча равишда янги қонун билан солиқ тўловчининг солиқ даври давомида халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига тўланадиган тўловларни тўлаш учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳам солиқдан озод қилиниши белгиланди. Мазкур солиқ имтиёзлари базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз баробаригача бўлган суммага қўлланилади.

Бюджетга солиқ тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириш, шунингдек, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш мақсадида биноларга мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун минимал қиймат белгиланди.

Шу билан бирга, солиқ тўловчиларга кўчмас мулк объектларига мустақил баҳо бериш ҳуқуқи берилади ва ушбу мол-мулкнинг натижавий, яъни бозор қиймати солиқни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база бўлади.

Бундан ташқари янги қонун билан мулк солиғи, ер солиғи ставкалари ва имтиёзлари бўйича ўзгартишлар, фойдали қазилмани қазиб олиш ёки ажратиб олиш ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, фойдали қазилмаларнинг айрим турларига нисбатан солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари, фойдали қазилмаларни қазиб олишда махсус рента солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш бўйича қўшимчалар киритилди.

Аксарият мамлакатларда яширин иқтисодиёт мавжуд бўлиб, ҳозирга қадар ҳеч бир мамлакатда уни буткул йўқ қилишга эришилмаган. Лекин кўп давлатларда бундай иқтисодиётнинг улуши ва таъсири минимал даражада камайтирилган. Бу ҳақда гапирганда Европа давлатлари тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Чунки бу давлатларнинг аксарияти яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда солиқ механизмларига алоҳида эътибор қаратган. Зеро, айнан солиқларнинг юқори даражадалиги кўп ҳолларда яширин иқтисодиётнинг палак отишига сабаб бўлади.

Қонунчиликдаги бундай ислоҳот натижасида солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллаш ва шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, "яширин" иқтисодиётга барҳам бериш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида самарали солиқ маъмуриятчилиги юритилишини ва бюджет барқарорлигини таъминлаш, хусусан, қўшилган қиймат солиғининг айрим истеъмол товарлари нархларининг ўсишига таъсирини камайтирди.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ кодексидаги концептуал ўзгаришлар, энг аввало, солиқ қонунчилиги нормалари қўлланилишини янада соддалаштириб, қарама-қаршиликлар ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этади ҳамда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли реал даромадларини ошириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Отабек МИРЗАЕВ,**
*Касби туманлараро иқтисодий суди судьяси*

*Парламент фаолияти*

# Қонунчиликдаги янгиликлар



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан кўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 565-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.***

Иккинчи ўқишда муҳокама қилинаётган ушбу қонун лойиҳаси билан автомототранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижарага берилганда шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш талаби бекор қилиш назарда тутилган. Бу каби шартномалар оддий ёзма шаклда тузилиши белгиланмоқда.

Қайд этилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ муносабатларни енгиллаштиради, ижара бозорини ривожлантиради.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасида ногиронлиги болаликдан бўлган болаларга 18 ёшгача қараган даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш, болани парваришлаш вақтининг ҳаммасини жамланганда кўпи билан 6 йиллик даврни иш стажига қўшиб ҳисоблаш белгиланмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган даврда пенсия олиш ҳуқуқи вужудга келган фуқаролар, ушбу тадбирлар (чекловлар) даврида ёки тугагандан сўнг бир ой ичида пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган тақдирда, уларга пенсия уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган санадан тайинлаш таклиф этилмоқда.

Мажлисда ижтимоий ҳимояни кучайтириш, етим болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Бундан ташқари мажлисда **"Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, соя данагини олиб кириш, ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича айланма 2022 йил 30 апрелга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ушбу имтиёзлар гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотлар, картошка ҳамда музлатилган балиқни реализация қилиш бўйича айланма ва уларни олиб киришда ҳам қўлланилади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли ва узлуксиз таъминлашга, нарх барқарорлигини сақлашга, аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

**"Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик шартномалари доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш амалдаги қонунчиликда белгиланмагани тадбиркорлик субъектлари учун амалиётда бир қатор муаммоларни вужудга келишига сабаб бўлаётган эди. Хусусан, коронавирус пандемияси сабабли кўплаб тадбиркорлик субъектлари маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлашни сўраб, Савдо-саноат палатасига мурожаат қилган. Лекин Палата бундай ваколатга эга бўлмагани сабабли форс-мажор ҳолатларини тасдиқловчи сертификатлар берилмаган ва тегишли идоралар ёки хўжалик юритувчи субъектларга фақатгина хат чиқариш билан чекланилган.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан маҳаллий шартномалар доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш ваколатининг Савдо саноат палатасига берилгани муносабати билан қонунчиликка ушбу нормани киритиш таклиф этилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти доирасида юзага келадиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базанинг яратилишига, ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати***

# Йўл

## *тўрт нафар адашган кимсани муқаррар жазога етаклади*

Оғир жиноят устида қўлга тушган З.Жумабоев шу ҳақдаги саволларга жавоб берар экан, тўрткўллик Маҳмуд Аҳмедовнинг номини тилга олди ва жиноий қилмишни фош этиш учун ёрдам беришга рози эканини билдирди. Изқуварлар унинг кўрсатмаси бўйича иш тутишди. Гумонланувчи З.Жумабоев М.Аҳмедовга қўнғироқ қилиб, атиги 2 грамм миқдоридаги "героин" зарур бўлиб қолганини айтди. М.Аҳмедов шеригининг сўзини ерда қолдирмади, Ўз навбатида, у гуруҳнинг бошқа бир аъзоси Абдуҳолиқ Аметовга "мижози"-нинг талабини бажо келтиришга кўмаклашишни сўради. Бу таклиф ҳам қабул қилинди. 0,17 грамм оғирликдаги "ажал уруғи" — "героин" гиёҳвандлик моддаси 500 минг сўм эвазига эртасигаёқ доимий мижоз М.Аҳмедовнинг қўлига тутқазилди.

Гал яна харидга келди. Бу пайтга келиб, З.Жумабоевга сотилиши мўлжалланган "героин" гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,62 грамм, нархи эса 2 миллион 50 минг сўмга етди. Савдо пишди. Хоразмлик ва қорақалпоғистонлик гиёҳфурушларнинг қилмиши кўлами шу аснода янада ойдинлашди. Терговга жалб этилган А.Аметов вазни 3 грамм, М.Аҳмедов эса 0,11 граммга тенг "героин" гиёҳвандлик моддасини сотиш ниятида асраб қўйгани аён бўлди. Терговга жалб этилганлар сафидан Ғ.Хўжақов ҳам жой олди. Суриштирувлар натижасида унинг айбланувчи З.Жумабоев билан ўзаро тил бириктиргани маълум бўлди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, оғир ва сурункали касалликка чалиниб, 2-гуруҳ ногирони деб топилган З.Жумабоевга гарчи, гиёҳвандлик воситаси саналса-да, оғриқни қолдириш хусусиятига эга бўлган "Трамадол" дорисини истеъмол қилиш тавсия этилган. Афсуски, тубанлик, меҳнатсиз мол-дунё орттириш, бойиш ҳисси саломатликдан устун келган. Дорихонадан оладиганига қаноат қилмай, ўзини "қора бозор"га урган. Ўзига ўхшаш гиёҳфурушлардан харид қилинган заҳри қотилнинг олди-сотдиси билан шуғулланган. Бу "дори"ларга Ғ.Хўжақов ҳам бир неча бор харидор бўлган. Аммо у тубанлик бобида Ғ.Хўжақовга бас келолмаган. Чунки Ғ.Хўжақов кўз очиб кўрган умр йўлдошининг ҳақига ҳам хиёнат қилган. Дарвоқе, унинг хотини ҳам оғир дардга чалинган. Шу сабабли шифокорларнинг тавсиясига асосан махсус рухсатнома орқали белгиланган дорихонада бепул бериладиган "Трамадол Ланнахер" таблеткаларини мунтазам истеъмол қилиб келади. Ғ.Хўжақов шифохона муассасаси томонидан хотинига тавсия қилинган мазкур дори воситасини бир неча бор З.Жумабоевдан ўзаро келишилган нарх эвазига сотиб олган. Қолган қисмини белгиланган дорихонадан текинга олиб келган. Аммо бу билан кифояланмаган ва вақти-вақти билан З.Жумабоевга мурожаат қилиб, ундан яна "Трамадол" таблеткасини сотиб олган. Таассуфки, бу дориларнинг атиги 2 донасини турмуш ўртоғига раво кўрган.

Оғир жиноий кирдикорларга қўл урган кимсаларнинг қилмишига охир-оқибат чек қўйилди. Ҳамтовоқлар режалаштирган қилмишларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олишмади. Масаланинг бу тарафи жиноий қилмишга суиқасд сифатида баҳоланди. Шу муносабат билан тергов жараёнида З.Жумабоев, М.Аҳмедов, А.Аметов, Ғ.Хўжақовнинг гиёҳфурушликка оид қилмишини Жиноят кодексининг тугалланган жиноят сифатида эътироф этишга қаратилган 273-моддаси 5 қисми бўйича эълон қилинган айб қайта муҳокама этилди. Унда мазкур кодекснинг жиноий қилмишни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олинмаганликни ифодаловчи 25, 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган қонунбузарлик ҳолати мавжудлиги аён бўлди. Бу ҳолат суд ҳукмида ҳам ўз ифодасини топди. Суд жараёнида З.Жумабоев айбига қисман, М.Аҳмедов, А.Аметов, Ғ.Хўжақов тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишларидан пушаймон эканини қайд этишди. Буларнинг бари жазони енгиллатувчи ҳолат сифатида талқин этилди. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар топилмади. Шу боис судланувчиларга нисбатан Жиноят кодексида белгиланган жазодан ҳам енгил жазо тайинлашни кўзда тутувчи 57-моддасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Пировардида З.Жумабоев, М.Аҳмедов ва А.Аметовга нисбатан 7 ярим йил Ғ.Хўжақовга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ашаддий гиёҳванд З.Жумабоев жазони ўташ жойида мажбуран даволанадиган бўлди.

Шу тариқа нопок йўллар билан бойлик орттириш эвазига ўзгалар ҳаёти ва соғлигини издан чиқаришга қаратилган жиноятга қонуний жазо тайинланди. Бинобарин, ҳаётнинг олтин қоидаси шундай: яхшилик ва эзгулик излаганлар муродга етади, ёмонлик ва ёвузликни қумсаганлар эса, қилмишларининг азобини тортишади, эл назаридан қолишади. Баён этилган воқеа тафсилоти ҳам бунинг исботидир.

**Жамол ЖУМАНИЁЗОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Янгиариқ тумани суди раиси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Сохта адвокат

## *ёхуд алдов тузоғи*

***Аввало шуни айтиш керакки, андижонлик Жасур Исмоилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани судининг 2020 йил 7 сентябдаги ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди ва 28, 211-моддаси 2-қисми "б" банди билан айдор деб топилиб, озодликдан маҳрум қилинган. Сўнгра Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш департаментининг Зангиота туманида жойлашган 1-сонли тергов ҳибсхонасига олиб келинган.***

**(Давоми 6-бетда) ▶**

*14 январь — Ватан ҳимоячилари куни*

# ВАТАННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ









◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Бунга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- Мудофаа Доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди;
- Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил қилинди;
- "Миллий армиямиз — ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди;
- Ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилиб, "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейлари ташкил этилди;
- Қуролли Кучлар тизимида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди;
- Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминот тизими янада такомиллаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган беш йил том маънода миллий армиямиз учун ҳам туб бурилиш ва янгиланишлар даври бўлди. Давлатимиз томонидан қўшинларимизни ҳар томонлама ривожлантириш, жанговар шайлигини янада ошириш бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида **"Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси"**, Қуролли Кучларни стратегик қўллаш Концепцияси ва Режаси, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги қарор янгидан ишлаб чиқилди, **"Ватанга Қасамёд"** матни янги таҳрирда қабул қилинди.

Миллий армиямизнинг жанговар қудратини ошириш мақсадида ривожланган мамлакатлар армияларининг илғор тажрибалари чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинди. Натижада ҳарбий округлар қўшинлари жанговар таркиби такомиллаштирилди.

Ҳарбий қисм ва муассасалар тўлиқ рақамли алоқа тизимига ўтказилди. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўзига хос ҳимояланган электрон ахборот алмашинуви жорий қилинди. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланган мобил қўмондонлик пунктлари яратилди, қўшинлардаги мавжуд мобил алоқа техникалари модернизация қилинди.

Жанговар тайёргарлик машғулотларини сифатли ўтказиш ҳамда юрт ҳимоячиларига муносиб хизмат шароитларини яратиш мақсадида барча полигон ва ҳарбий шаҳарчалар янгидан барпо этилди. Хусусан, ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда халқаро талабларга мос равишда полигонлар янгидан қурилиб, мутахассисларнинг профессионал тайёргарлигини ошириб боришга ихтисослаштирилди. "Чирчиқ" полигони ҳудудида янгидан барпо этилган "Мудофаа вазирлиги моделлаштириш ва симуляция дала-ўқув маркази" ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарликларини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун янгиланиб, кундан-кунга замонавий қиёфа касб этаётган миллий армиямизда ҳарбий билимлар билан амалий машғулотлар уйғунлигини таъминлаш ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Энди олдингидан фарқли ўлароқ, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда жанговар машғулотлар бир неча баробар кўпайтирилди. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро ижобий тажриба алмашиш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида "Мен ғолиб" шиори остида 3 босқичдан иборат армия ўйинларининг ўтказилиши халқаро мусобақа ва танловларда ҳам ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий соҳада ҳарбий хизматчилар ва ёш авлодни тарбиялаш ишлари сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди. Қабул қилинган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш Концепцияси ҳамда "Халқ ва армия якдил" тамойили асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳарбий қисм ва муассасаларнинг эшикларини жамоатчилик, айниқса, ёшлар учун кенг очиб берди. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини оширди, ёшларда эса миллий армиямиздан фахрланиш туйғуси ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳи ортди. Бир сўз билан айтганда, армия ва халқ бирлиги мустаҳкамланди.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси ва "Шон-шараф" музейи ҳамда вилоятлар марказларида "Ватанпарварлар боғи"нинг барпо этилиши чин маънода тарихий ўзлигимиздан ҳикоя қилувчи муҳим манбага айланди. Ҳарбий қисм ва муассасаларда буюк аждодларимиз Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонликлари, ватанпарварлик ва жасоратини намоён этувчи ўқув синфлари яратилди.

Кейинги йилларда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Натижада юрт посбонларининг хизмат ва яшаш шароитлари яхшиланди. Шунингдек, 3 765 нафар ҳарбий хизматчининг фарзандлари олий ҳарбий ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришида қўшимча имтиёз берувчи тавсияномаларга эга бўлишди.

Дунё миқёсида ўтказилиб келинаётган Халқаро армия ўйинлари бугун иштирокчи мамлакатлар Қуролли Кучлари қай даражада маҳоратли экани ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Миллий армиямизнинг халқаро майдонда кўрсатаётган натижаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Вакилларимиз 2019 йили умумжамоа ҳисобида 5-ўринни банд этган бўлса, 2020 йили барча иштирокчи давлатлар орасида 3-ўринни қўлга киритган эди. 2021 йилда эса дунёнинг 11 давлат ҳудудларида 42 мамлакат вакилларидан иборат 277 жамоа — беш минг нафардан ортиқ ҳарбий хизматчи иштирок этган "АрМИ — 2021" Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон ҳарбий жамоалари Хитой, Ҳиндистон, Беларусь, Вьетнам каби кучли жамоаларни ортда қолдириб, 4 та олтин, 9 та кумуш ва 4 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Ўзбекистон жамоасининг юксак натижалари ва ғалабали иштироки халқаро кузатувчилар томонидан юқори баҳоланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўтган 30 йил ичида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, барқарор тараққиётни таъминлаш вазифасини бажарадиган миллий армиямиз том маънода профессионал жиҳатдан ўзини кўрсата олди. Бу қисқа вақт ичида армия янгидан барпо этилди, ислоҳ қилинди ва бугунги кунга келиб, дунёнинг ривожланган профессионал армиялари қаторидан муносиб жой олди. Бу, албатта, она Ватанимизнинг янада ривожланишига, куч-қудрати ва салоҳияти ортишига хизмат қилади. Бинобарин, Қуролли Кучлар мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи, деган эътирофга бугун ҳар томонлама муносибдир.

**Муроджон ҚОДИРОВ,**
*Олий суд Пленуми ва Раёсати котибияти бошлиғи*

---

*Қизиқарли фактлар*

***Жаҳон кино санъатининг юксак намуналаридан бири бўлган "Шоушенкдан қочиш" фильмини кўпчилик кўрган бўлиши шубҳасиз. У ўзбек тилига ҳам таржима қилинган бўлиб, тез-тез телеэкранларда намойиш этилади.***

# Кинога кўчган ҳақиқат



Шоушенк — АҚШдаги қамоқхона бўлиб, машҳур ёзувчи Стивен Кинг ўз қаҳрамони Энди Дюфрейнни шу қамоқхонадаги ахлат тўла қувур орқали қочишини юксак маҳорат билан тасвирлаб берган. Аммо "Шоушенкдан қочиш" фильмидаги турмага прототип сифатида олинган қамоқхона Мэн штатида эмас, балки Огайо штатининг Мэнсфильд шаҳрида жойлашган ва у бундан ўттиз йил муқаддам ёпилган. Қамоқхона биносининг қачон қурилгани ҳақида аниқ маълумот йўқ. У 1886 ва 1910 йиллар оралиғида қурилгани тахмин қилинади, холос.

Қамоқхона ташкил топганидан тортиб, то ёпилгунига қадар унда 200 нафардан ортиқ одам вафот этган.

Мэнсфильд қамоқхонасидан маҳбусларнинг қочиши ростдан ҳам, содир бўлган. Дастлабки шов-шувли қочиш 1948 йил 21 июль куни юз берган. Ўша куни қамоқхонадан Роберт Дэниэлс ва Жон Уэст исмли маҳбуслар қочиб кетган. Улар озодликка чиққан заҳотиёқ ўзлари ёмон кўрган назоратчилардан бирининг уйига бостириб кириб, оиласининг ҳаётига зомин бўлишган. Аммо орадан икки кун ўтгач, жиноятчилар қўлга олинган ва ўлим жазосига маҳкум этилган.

1959 йил 30 сентябрь куни яна бир маҳбус қамоқхонадан қочган. Бу сафар маҳбус Фрэнк Фрешоутерс нафақат қочишга, балки 56 йил мобайнида қўлга тушмай яшириниб юришга муваффақ бўлади. Шу ўринда Фрэнк Фрешоутерснинг жиноят тарихига назар ташласак, у 1957 йилда автомобил билан бир бегуноҳ инсонни уриб юборган. Суд Фрэнк Фрешоутерсга автоҳалокат қурбони оиласига товон пули тўлаб туриш эвазига 5 йиллик шартли жазо тайинлайди. Бироқ Фрешоутерс ўзига қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномаси ясаб олади, полиция участкасига йўқлама учун бормай қўяди ва энг ёмони, вафот этган инсоннинг оиласига бир чақа ҳам тўламайди.

Охир-оқибат Фрешоутерс ҳибсга олинади ва 20 йилга озодликдан маҳрум этилади. У Мэнсфильд қамоқхонасида белгиланган жазони ўтай бошлайди. Ўзини яхши тутгани туфайли маъмурият унга қамоқхона ёнидаги чорва фермасида ишлашга рухсат беради. Назорат юмшатилганидан фойдаланган Фрешоутерс қамоқдан осонлик билан қочиб кетади ва Флорида штатига бориб жойлашади. У бу ерда Уильям Кокс исм-шарифи билан янги ижтимоий суғурта картасини олишга муваффақ бўлади. Қалбаки Уильям Кокс, яъни ҳақиқий Фрэнк Фрешоутерс 1975 йилгача Флоридада тинчгина умргузаронлик қилган.

Аммо бир куни Фрешоутерсни хотини сотиб қўяди. Даҳанаки жанжалда эридан қаттиқ калтак еган аёл полицияни чақиради. Кокснинг бармоқ излари олинганда у узоқ йиллардан буён жазодан қочиб юрган Фрешоутерс экани маълум бўлади. Бироқ Фрэнк Фрешоутерснинг яна омади чопади. Гап шундаки, Ғарбий Виржиния штати гу-



бернаторининг ўша пайтдаги федерал ҳукумат билан муносабати бузилган эди. Шу боис губернатор Фрешоутерсни федерал ҳукуматга топширмасликка ва уни қўйиб юборишга буйруқ беради. Фрешоутерс бу сафар изсиз йўқолади. Ниҳоят, ўтган асрининг 80-йилларида у янги хотини билан яна Флоридага қайтиб келади ва осуда турмушини бошлаб юборади. 2015 йилда Фрешоутерс яна қўлга олинади. Аммо ёши ўтиб қолгани, узоқ йиллар солиқларни ўз вақтида тўлаб келгани, бошқа жиноят содир этмаганини инобатга олган АҚШ суди уни муддатидан олдин шартли равишда озодликка чиқаради.

Мэнсфилд қамоқхонасида 1978 йилдан бошлаб 2200 нафар маҳбус сақланган. Хоналарнинг захлиги, каламушлар ва турли зарарли ҳашоратларнинг кўплиги натижасида



АҚШ Олий судига жуда кўплаб шикоятлар келиб тушган. Ниҳоят, 1990 йилда ҳукумат қамоқхонани батамом ёпишга қарор қилади.

Орадан беш йил ўтгач, қамоқхона сайёҳларнинг эътиборига тушади. Албатта, бу афсонавий "Шоушенкдан қочиш" фильми билан боғлиқ эди. Ҳозирда бу ерга келувчи сайёҳлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳаётий воқеликнинг бадиий талқини бўлган кинофильм ҳам томошабинлар сони бўйича янги рекордларни ўрнатишда давом этмоқда.

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

---

*Жиноятга жазо муқаррар*




◀ **(Бошланиши 5-бетда)**

Маҳкумнинг онаси Ҳанифа Назирова 2020 йил 12 декабрь куни келини, қизи ва 3 нафар ўғли билан бирга Жасурни кўриш учун қисқа муддатли учрашувга келади.

Учрашув тугагач, улар уйга қайтмоқчи бўлиб турганларида башанг кийинган бир йигит Ҳ.Назировага мурожаат қилиб, исми Шуҳрат, фамилияси Давронов, адвокат эканини айтади ва қандай ёрдам кераклигини сўрайди.

Кутилмаган таклифни омад деб ўйлаган она ўғлига тегишли суд ҳукмини унинг қўлига тутқазади. Аслида талончилик, ўғирлик ва олти маротаба фирибгарлик жиноятини содир этгани учун судланган бу кимса Қибрай туманида истиқомат қилувчи Илҳом Давронов эди. "Адвокат" ниқобидаги фирибгар суд ҳукмини ўқиб чиққач, мақсадга ўтади:

— Ҳозир ҳам бу ерга бир мижозимни ҳимоя қилиш учун келгандим. Яна икки соатларда уни озодликка чиқаришади. Сизни кузатиб туриб, аҳволингизга ачиндим. Рози бўлсангиз, ўғлингизни қамоқдан чиқаришга ёрдам бераман...

Содда аёл унинг гапларига лаққа ишонади. И.Давронов 7000 АҚШ доллари эвазига муаммони ҳал қилишини айтади.

— Хоҳласангиз, сизга шу ернинг ўзида ордер ёзиб бераман. Кейин иш бошлайман, — дейди у яна оғиз кўпиртириб.

Шундан сўнг Ҳ.Назирова ўғиллари ва қизи билан маслаҳатлашиб, И.Даврановнинг қўлига 700 АҚШ долларини тутқазади. Бироқ у ўзини янада баландпарвоз тутади.

— Бу пулингиз кам. Мен анчагина қиммат адвокатман.

— Ундай бўлса, сизга пулни икки-учга бўлиб бераман, майлими?, — деб сўрайди аёл.

— Майли. Фақат чўзиб юбормайсиз.

— Менга ишонаверинг. Айтган вақтимда бераман.

Ҳанифа Назирова И.Даврановга яшаш манзилини бериб, пулнинг қолганини топишга ваъда беради. Орадан кўп вақт ўтмай "адвокат" унинг уйига қора рангли "Малибу" автомашинасида боради. Бу "мижоз"ни ишонтиришнинг яна бир фирибгарона усули эди.

— Кечаги пулингиз камлик қилади, мен ишларни бошлаб юбордим. Агар қолганини бермасангиз, ишни тўхтатаман, — дея шарт қўяди у.

Бу гапни эшитиб, хонадон соҳибаси шошиб қолади.

— Йўқ, ишни давом эттираверинг, мен бугуноқ пул топиб бераман.

Шундан сўнг Ҳанифа Назирова қизи Ҳафизадан 1800 АҚШ долларини қарзга олиб, фирибгарга бериб юборади. Ўтган йилнинг 5 январь куни сохта адвокат Ҳ.Назировага қўнғироқ қилиб, суд мажлиси 13 январга тайинланганини ва пулнинг қолганини ҳам тайёрлаб қўйишни айтади. Лекин Ҳ.Назирова ўша кунгача пул топиб беролмайди. Шу сабабли И.Давронов яна телефон қилиб, пулни етказиш зарурлигини ва суд мажлиси 18 январь кунига қолдирилганини билдиради. Ҳанифа Назирова 14 январь куни Андижон вилоятидан Тошкент шаҳрига қатнайдиган киракаш ҳайдовчилар орқали яна 2500 АҚШ долларини И.Даврановга бериб юборади.

18 январь куни суд бошланишига ишонган Ҳ.Назирова фарзандлари билан бир кун олдин Тошкент шаҳрига етиб келади. У И.Даврановга қўнғироқ қилиб, қаерда учрашиш мумкинлигини сўраганда, у автоҳалокатга учрагани учун учрашолмаслигини айтади.

Эртаси куни суд мажлиси бўлмагани ва "адвокат" телефонини ўчириб қўйгани маҳкумнинг яқинларини жуда ажаблантиради. Шунга қарамай, улар Бўстонлиқ туманининг "Товоқсой" қўрғонида жойлашган жазони ижро этиш колониясига бориб, Жасур билан учрашишади. Сўнгра "адвокат"нинг паспорт нусхасида қайд этилган манзил бўйича уни излаб боришади. Лекин у манзилдаги уй сотилган бўлиб чиқади. Шунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси уларни Илҳом Даврановнинг холасининг уйига бошлаб боради. Ўз навбатида, холаси И.Даврановнинг акаси Бегали Даврановнинг манзилини беради. Бегали укасининг қаерда эканини билмаслигини айтади. Тоқати-тоқ бўлган аёл алданганини англаб етгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Шундан сўнг И.Даврановга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Албатта, ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди судланувчини жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имкони йўқ, деган хулосага келди ва уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Суд жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ ва Чилонзор тумани судларининг тайинланган жазоларини ҳам инобатга олди. Қолаверса, суд ҳукмида айбдордан жабрланувчга етказилган 5000 АҚШ доллари миқдоридаги зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Баён этилгани каби фирибгарлик жиноятлари одамларнинг соддалиги ва ҳуқуқий билимининг етишмаслиги оқибатида содир этилади. Шу боис жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамиша долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди раиси*

**Саидаҳрор УМАРОВ,**
*Тошкент вилояти суди судьяси*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***

**Козимджан КАМИЛОВ**
**Робахон МАХМУДОВА**
**Халилилло ТУРАХУЖАЕВ**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7193
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $1^{10}$.